Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 142 (21. 241) 1992 йил 21 июль, сешанба

БАҲОСИ 2 СЎМ.

1 СЕНТЯБРЬ · ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

Ислом КАРИМОВ:

● БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИЛАЁТГАНИДА ХАЛҚИМИЗНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖУДА МУҲИМ МАСАЛА БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА. ҲАР БИР МЕҲНАТКАШНИНГ ЎРТАЧА ОЙЛИГИНИ ОШИРИШ ЗАРУР, АЛБАТТА. ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИККА ТЕЗРОҚ ЭРИШМОҒИМИЗ ДАРКОР.

И. А. КАРИМОВ

ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИ: МУАММОЛАР ВА РЕЖАЛАР

ТАРИХНИ ҚАЙТАДАН ЁЗИБ БЎЛМАЙДИ

● Ўзбекистон Президенти И. Каримов МДҲ раҳбарларининг Беловежьеда бўлган учрашувидан бошқа ҳамма учрашувларининг иштирокчисидир. У Москвада бўлган сўнгги учрашувда ҳам Республика делегациясига бошчилик қилди. Ушбу суҳбатда музокараларнинг якунларини шарҳлайди, унинг янги ташаббуслари хусусида авж олган баҳслар ҳақида ҳикоя қилади.

— Ислом Абдуғаниевич, муболаға қилмаймиз, лекин МДҲ кўпмиллатли кучларини барпо этиш тўғрисидаги таклифингиз, назаримда, фақат сиёсатшуносларга ва журналистлар орасида эмас, шу билан бирга давлат бошлиқлари орасида ҳам «довул» қўзғади, бунга олдиндан тайёргарлик кўрганмидингиз ёки у бадиҳами!

— Олмаота, Минск, Киев, Тошкент... Учрашув кетидан учрашув. Ҳар бир раҳбар ўз фикрини айтди, ўз йўлини ҳимоя қилди. Бу эса тушунарлидир. Мустақилликка эришилгач, ҳар бир давлат пировард натижада ўз манфаатларини ва мақсадларини кўзлайди, аммо муштарак, умумбашарий қадриятлар ҳам бор-ку, ахир.

Миллатлараро можаролар давом этмоқда, одамлар ҳалок бўлмоқда, жиноятчилик авж олмоқда, жамиятда ажралиш содир бўлмоқда. Сиёсий раҳбарлар эса жаҳоншумул муаммолар тўғрисида гаплашиб олиш учун тўпланишяпти. Хўш, инсон қаерда қолди... Ҳа, ҳозир аҳвол мушкул. Нарх-наво ошиб бормоқда, энг зарур моллар, озиқ-овқат маҳсулотлари етишмаяпти. Лекин булар вақтинчалик, албатта. Энг даҳшатлиси шундаки, — одамларнинг ишончи қолмаяпти, қўли ишга бормаяпти. Ҳар қандай «қора кучлар» бундан фойдаланмоқдалар. Бундай давом этиши мумкин эмас. Шу сабабли МДҲ давлат бошлиқларининг учрашувида мен қатъий равишда: можароларнинг олдини оладиган восита даркор. Қонли воқеаларнинг авж олишига йўл қўймайдиган чинакам куч зарур. Ҳамдўстликнинг кўпмиллатли кучлари ана шундай чинакам куч бўла олади, дедим. Очиғини айтаман: мустақил давлатларнинг раҳбарлари аввалига бу таклифни «совуқ» кутиб олдилар. Шу боисдан мен бу муаммони бир неча бор қатъият билан ўртага қўйишга мажбур бўлдим.

Сизга айтсам, олий даражадаги учрашувларда айрим масалалар кўриб чиқилаётганда ҳар бир томоннинг далиллари ишонарли туюлади. Лекин бундай ёндашув ҳозир мақбул эмас. Барча масалаларни жамлаб олиш, иккинчи даражали масалаларни асосийларидан ажратиб қўйиш керак.

— «Президент-отел»даги мажлислар залига қайтайлик. Ельцин ҳам, Кравчук ҳам, Назарбоев ҳам, яъни МДҲ энг йирик давлатларининг раҳбарлари бу масалани ўртага қўйишмади, кенгашнинг қатъий иш тартибини бузишмади...

— Мустақил республикаларнинг раҳбарлари учун мен жавоб бермоқчи эмасман, лекин ҳамдўстликда бундай вазиятнинг яна давом этиши мумкин эмас. Бир неча ой орқага қайтайлик. Ёдингизда бўлса, ўшанда мустақил республикалар раҳбарларидан айримлари: МДҲ — афсона, МДҲ — сунъий равишда тузилган ҳамдўстликдир, деган эдилар. Мен бундай ёндашувларга қарши чиққан эдим. Тарихни қайтадан ёзиб чиқиш мумкин эмас. Бунинг устига тарихнинг ҳар бир саҳифасини халқнинг бир неча авлодлари ёзишган.

Ҳозирги вақтда энг муҳими — қарама-қарши туришни тўхтатиш, тотувликка эришишдир. Бундан буён ҳам қон тўкилишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Ахир ғам, қасос туйғуси пировардида нафратни келтириб чиқаради. Ана ўшанда ҳеч қандай панд-насиҳат фойда қилмайди.

Одамлар қаерда яшамасинлар, — Молдовадами, Арманистондами, Озарбайжондами, — бир нарсага — ҳимоя қилинишларига ишончлари комил бўлиши керак. Бинобарин, бу масъулият сиёсатчилар зиммасига тушади. Москвадаги кенгашда мен келтирган далиллар мана шу. Яширмайман: бу масалани ҳал этишда менинг қатъий тутишимни МДҲ давлатларининг раҳбарлари қўллаб-қувватлаганидан мамнунман. Баъзи бировлар мени гапга кўнмайдиган қайсар дейишлари мумкин. Эҳтимол, уларнинг гапи тўғридир. Менинг ҳаётий тажрибам ҳамиша ҳақиқатни гапириш кераклигини кўрсатиб турибди. Аччиқ, оғир ботадиган бўлса ҳам ҳақиқатни гапириш керак. Бу кўп одамларга ёқмаса-ёқмас, аммо вақт ўтгандан сўнг сени тушуниб олишади, шугина эмас, қўллаб-қувватлашади. Бундай қилиш осон эмас, албатта. Бинобарин, мен тутган бу йўлимдан қайтмайман.

— Одатда мустақил давлатларнинг бошлиқлари тўпланадиган мажлислар залига эшиклари беркитиб қўйилганида кенг доирадаги газетхонлар ва телетомошабинлар у ерда нималар бўлганидан бехабар қоладилар. Москвада мустақил давлатлар ҳамдўстлиги хўжалик судининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги ҳужжат имзоланди. Бу қандай суд, у нима билан шуғулланади!

— Биз сифат жиҳатидан янги, таъбир жоиз бўлса — маърифатли поғонага кўтарилмоқдамиз. Хўжалик суди қатъий ва холис ҳакам бўлиши керак. Биз бу билан янгилик кашф этганимиз йўқ. Европа ҳамжамияти худди шундай қоида асосида ишлаяпти.

Лев ЛЕВИН суҳбатлашди.
Тошкент шаҳри.
(«Правда» газетасининг 1992 йил 18 июль сонидан олинди).

• ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН •

ҲАМКОРЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ОДИМЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН—ГЕРМАНИЯ:

● Якшанба куни эрталаб Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов ҳамда Германиядаги дунёга машҳур «Мерседес—Бенц» фирмасининг шу фирма директорлар кенгашининг президенти, профессор Вернер Ниефер бошчилигидаги бир гуруҳ раҳбарлари Хоразмга келишди. Меҳмонлар Дўстлик шаҳрида қурилаётган агрегат заводига бордилар. Корхона ишчилари ва хизматчилари билан суҳбат бўлиб ўтди.

Ҳозирги вақтда агрегат заводининг қурилиши амалда тўхтатиб қўйилган. Дастлаб иншоотни собиқ Иттифоқ авиация саноати вазирлиги қурган эди. Бу ерда ўша вақтларда камчил бўлган маҳсулот — самолётлар билан вертолётларга хизмат қиладиган техника ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш мўлжалланган эди. Қурилишга қилинган харажатлар тез орада ўзини оқлаши керак эди. Эндиликда эса вазият тубдан ўзгарди. Улкан иншоот Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфига берилган.

Шу орада корхона маҳсулотининг рақобатбардошлиги масаласи пайдо бўлди. Шу боисдан завод йўналишини ўзгартириш ва унинг негизида қўшма корхона барпо этиш варианти қабул қилинди. Бу ерга «Мерседес—Бенц» компаниясининг раҳбарларини таклиф қилишди. Бу компания фермерлар, ижарачилар, шахсий томорқа хўжалиги эгалари учун кичик автобуслар ва юк автомобиллари ишлаб чиқаришни мўлжалламоқда. Вақти келиб фирманинг машҳур «Мерседес» енгил машиналарини чиқариш ҳам йўлга қўйилади.

Агрегат заводининг кўпгина иншоотлари фойдаланишга топширилган. Барча ишлаб чиқариш цехлари, маъмурий-маиший бино, гараж, компрессор станцияси, тозалаш иншоотлари, газ билан таъминлаш линиялари қурилиб бўлган. Ёрдамчи тармоқлар ҳам барпо этилган — бўлғуси ишчиларнинг ўнлаб оилалари

(Даноми учинчи бетда).

АЛОҲИДА КИТОБЧА ҲОЛИДА

Маълумки, яқинда Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси бўлиб ўтган эди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Бу — жонажон республикамиз келажаги ва равнақи йўлида зўр куюнчаклик билан қилинган нутқ эди. Унда Ўзбекистон мустақилликка эришган пайтдан то шу кунгача бўлган қисқа даврда қилинган ишларга якун ясалиб, истиқбол режалари белгилаб берилди. Олдимизда турган муҳим вазифалар алоҳида кўрсатиб ўтилди. «Бугунги кунда ҳам халқни якдил қила оладиган ишлар ва ғоялар оз эмас. Уларнинг ичида энг улуғи — Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини таъминлаш. Ана шу мақсад, ана шу ғоя атрофида бирлашсак, асло хор бўлмаймиз, азиз ватандошлар!» — деб таъкидлади ўз нутқида Ислом Абдуғаниевич.

Яқинда «Ўзбекистон» нашриёти ушбу нутқни «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар» номи билан алоҳида китобча ҳолида босмадан чиқарди.

Китобча 50 минг нусхада нашр этилди.

ЕВРОПА КЕНГАШИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ—ТОШКЕНТДА

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

● Европа Кенгашининг шу Кенгаш Бош котиби Катрин Лалюмьер хоним бошчилигидаги делегация 18 июль куни Тошкентга келди. Делегация таркибида Туркия ташқи ишлар вазири Ҳикмат Четин, шунингдек, Европа Кенгашининг махсус ходимлари бор.

Европа Кенгаши — қароргоҳи Франциянинг Страсбург шаҳрида бўлган нуфузли халқаро ташкилот. У Европа давлатлари ўртасида интеграция муаммолари, ўзаро алоқаларни ўрнатиш билан шуғулланади.

— Бу Европа Кенгаши делегациясининг Ўзбекистонга биринчи ташрифидир, — деди Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда Катрин Лалюмьер. — Республикангиз мустақилликни қўлга киритиб, халқаро майдонга чиқиб олганидан кейин ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг кенг истиқболлари очилди. Биз бу ерга ана шундай алоқаларни йўлга қўйиш учун келдик.

Тошкент аэропортида меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби Раҳим Ражабов, республика ташқи ишлар вазири Убайдулло Абдураззоқов, Туркиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Вўлқон Чўтур, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

ДЎСТОНА СУҲБАТЛАР

● Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгани, суверен республиканинг халқаро майдонга чиқиб, унинг мустақиллигини жаҳондаги 120 мамлакат тан олгани — буларнинг ҳаммаси она диёримизда жуда катта ўзгаришлар содир бўлаётганининг яққол далилидир. Республика Бош вазири Абдулҳошим Муталовнинг Европа Кенгаши Бош котиби Катрин Лалюмьер хоним билан суҳбати чоғида жумҳуриятимиз тараққиётининг истиқболлари тўғрисида, кўпмиллатли Ўзбекистондаги ижтимоий барқарорлик ҳақида сўз борди.

Бош вазир муҳтарама меҳмонга республикада юз бераётган сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар тўғрисида гапириб берди. Юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшаб турган Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар барқарор бўлиб тургани алоҳида таъкидланди.

Катрин Лалюмьер хоним Европа Кенгаши Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинганини қутлайди, деб уқтирди. Бу — тараққиёт ва жадал ривожланиш йўлидир. Шу боисдан ҳам Кенгашнинг нуфузли делегацияси Ўзбекистонга келди. Ташрифдан кўзда тутилган асосий мақсад ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишдир. Европа Кенгаши Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлик қилишга тайёр.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Убайдулло Абдураззоқов, Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Ҳикмат Четин, Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Вўлқон Чўтур қатнашдилар.

* * *

Ўзбекистон танлаб олган тараққиёт йўли — муаммоларни демократик, маърифатли йўсинда ҳал этиш йўлидир. Мустақиллик учун, аввало, барқарорлик зарурдир. Республика Олий Кенгашининг Раиси Шавкат Йўлдошев Европа Кенгаши Бош котиби Катрин Лалюмьер хоним билан суҳбат чоғида ана шу асосий хулосани баён этди.

У ҳурматли меҳмонга мустақил давлат парламентининг фаолияти тўғрисида, Олий Кенгаши қабул қилган қонунлар ҳақида сўзлаб берди. Мустақил республиканинг халқаро ҳамжамиятга кириши, жумҳуриятимиз давлат мустақиллигини жаҳон ҳамжамияти кенг кўламда эътироф этиши — Ўзбекистон халқаро майдонга дадил чиқиб олаётганидан далолат беради. Ҳали анчагина ҳал бўлмаган муаммолар бор. Республика раҳбарияти, ўлканинг кўпмиллатли халқи бу муаммоларни тезроқ ҳал этиш учун барча ишларни қилмоқда.

Ўзбекистон тараққиётнинг маърифатли, демократик йўлини танлаб олгани сиёсий барқарорлик ва иқтисодий равнақнинг гаровидир.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА УЧРАШУВ

Қабул пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат (ЎзА).

● Расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасига келган Европа Кенгаши Бош котиби Катрин Лалюмьер хоним ҳозирда ушбу Кенгаш Раиси вазифасини бажараётган Туркия ташқи ишлар вазири жаноб Ҳикмат Четин бошчилигидаги Европа кенгаши делегацияси 18 июль куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида қабул қилинди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов меҳмонларга Ўзбекистон ХДП Раиси, Республика Президенти И. А. Каримов ва жумҳурият ҳукуматининг ижтимоий-иқтисодий, ташқи соҳаларда олиб бораётган барқарор сиёсати, партиянинг айни кундаги фаолияти, дастурий мақсад ва вазифалари ҳақида атрофлича сўзлаб берди. Делегация аъзоларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарди.

Европа Кенгаши Бош котиби Катрин Лалюмьер хоним мазкур кенгаш фаолияти ҳақида қисқача ахборот берди. 1949 йилда ташкил этилган Европа Кенгаши маслаҳат бериш ҳуқуқига эга бўлган ҳукуматлараро сиёсий ташкилот бўлиб, у ўз таркибига Европадаги 27 та демократик ва плюралистик тартиботли давлатни бирлаштиради. Унинг фаолияти Умумевропа бирдамлиги манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, мақсади — инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, демократик ва плюралистик тартиботларни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳаётнинг умумий масалаларини ҳал қилиш чораларини ишлаб чиқиш, Умумевропа маданий бирлигини шакллантириш кабилардан иборатдир.

К. Лалюмьер Европа Кенгаши бундан буён ўз фаолиятида Европа мамлакатлари билан чекланиб қолмай, балки Осиё давлатларига, жумладан, Ўрта Осиё минтақасидаги мустақилликка эришган давлатларга ҳам эътиборни қаратиш мақсадида эканлигини алоҳида таъкидлади.

Европа Кенгашининг Раиси Туркия ташқи ишлар вазири, Туркия Социал демократик халқ партияси Бош котиби Ҳикмат Четин жаноблари Ўзбекистон Республикаси ва Туркия ўртасидаги дўстлик, иқтисодий-маданий алоқалар ривожланаётганлигидан мамнунлигини билдирди. Европа Кенгаши сиёсий ташкилотининг Ўзбекистон билан алоқалар ўрнатиши ва ахборот алмашиб туриши муҳимлигини айтди. Ўзбекистон олдида мураккаб вазифалар турганлигини кўриб турибмиз, — деди у. — Сизларнинг партиянгиз қийин ўтиш шароитларида елкасига оғир юкни олган. Муваффақиятга эришишингиз бугунги кун вазифаларини ҳал қилишга қанчалик фаол ҳисса қўшишларингизга боғлиқ.

Учрашувда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши иккинчи котиби М. Қиргизбоев, Марказий Кенгаш котиби, Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Ҳ. М. Абдурaимов ва бошқа расмий ўртоқлар қатнашдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

• Республика Вазирлар Маҳкамасида

БЮДЖЕТ—ХАЛҚ РИЗҚИ

Хабар бериб ўтилганидек, 17 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда Тошкент шаҳар ва республика вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари, вазирликлар ва идоралар, концернлар ва уюшмалар, банклар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ва оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари қатнашдилар.

(Давоми учинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ М. И. ИСЛОМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Мирзажон Йўлдошевич Исломов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 18 июль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ М. И. ИСЛОМОВНИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият органларини қайта ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 1 ва 2-бандларига мувофиқ

Ўртоқ Мирзажон Йўлдошевич Исломов Фарғона вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 18 июль.

• ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ДУНЁ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Жаббор РАЗЗОҚОВ,

Муҳаммаджон РАҲМАТОВ.

III. ИНДОНЕЗИЯДА ИККИ КУН

● Ислом Каримов ва Сухарто жаноби олийлари.

БУ ДАВЛАТ ҳақида кўп эшитганмиз. Олтмишинчи йилларда газеталар саҳифаларида Индонезия мамлакати ва унинг илк Президенти доктор Сукарно жуда кўп тилга олинарди. Сукарно жумҳуриятимизда меҳмон бўлиб, пахтакорлар билан учрашган, Самарқанд, Бухородай кўҳна шаҳарларимизни томоша қилган. Ўша пайтда алоқалар яхши эди. Ҳозиргача индонез чойини энг сифатли ва хуштаъмли ичимлик сифатида севиб истеъмол қиламиз...

Жанубий-Шарқий Осиёда жойлашган Малай архипелагидаги бу кўҳна мусулмон мамлакати Ўзбекистон Президентини самимий қарши олди. 22 июнь, душанба куни. Ҳаво ниҳоятда дим. Бегона одамга нафас олиш қийин. Экваториал кенгликда жойлашганлиги ўз таъсирини кўрсатган. Байрамона безатилган Жакарта кўчаларида Ислом Каримов, Президент Сухартонинг улкан суратлари бир неча жойга қўйилган.

Ҳашаматли Истана Мердек Президент саройи. Унинг олдида ҳурматли меҳмонни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Тантанадан сўнг Ислом Каримовни Индонезия Президенти Сухарто жаноби олийлари Бекара залига катта эҳтиром ила таклиф этади. Бу ерда икки Президент ўртасида қисқа илиқ ва самимий суҳбат бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти расмий ташриф даврида яшайдиган Висма Негара қароргоҳи ҳам сарой ёнида экан. Сухарто жаноби олийлари Ислом Каримовни катта илтифот билан ажратилган қароргоҳга кузатиб боради. Бу ерда юксак мартабали меҳмонни Президент Саройи ишлар бошқарувчиси Сьярифа Софьян илиқ қарши олади.

Шу куни тушдан сўнг Президент ва делегация аъзоларининг қизғин учрашувлари бошланди. Ўзбекистонлик меҳмонлар Ташқи савдо вазири Содражата Живандоно жаноби олийлари ҳамроҳлигида «Пеш Бразерс» компаниясига қарашли тўқимачилик корхонасига ташриф буюришди. Бу ердаги ишлаб чиқариш жараёни, замонавий технология, тўқувчиларнинг малакаси ва тайёрлаётган маҳсулотлари сифати, унинг ташқи бозордаги қадр-қиммати билан қизиқишди.

Индонезияда хом ашёни четдан олиб, газлама, кийим-кечак тайёрлашади. Бизга чой етказиб бериб, эвазига пахта толаси олишади. Ундан жуда кўп ва хилма-хил сифатли маҳсулотлар тайёрлашади. Бизда эса хом ашё бисёр-у, аммо тайёр маҳсулот жуда кам. Ҳали ҳам ишбилармонлик етишмаяпти, бировдан нажот кутиб ўтириш касали йўқолгани йўқ. «Энди ҳеч ким сенга бор бутини тўкиб солмайди. Мустақил бўлдинг, ҳаракатингни қил, энг яхши ва замонавий ишлашни ўрган», деб бирбирига ақл берадиган одам йўқ. Ахир яқин-яқингача, аниқроғи 60-йилларгача қарийб ҳамма нарсани — пойабзални ҳам, уст-бошни ҳам, бош кийимларни ҳам ўзимиз тайёрладик-ку?!

Улар ўзимизга мос миллий, энг чидамли ва сифатли эди. Кейин эса... бирдан ҳаммасидан воз кечдик. Нега?..

Тўқимачилик комбинати билан танишаётиб, хаёлимиздан беихтиёр ана шу фикрлар ўтди.

Истиқлол масжиди. Жакартадаги мусулмонларнинг энг муқаддас саждагоҳи. Уни миллий услубда, диний ақидаларга мослаб бунёд этишган. Бу ерда Ўзбекистон Президентини Истиқлол мачитининг раиси ва Олий муфтиси, Индонезия Ислом муносабатларининг Бош директори қабул қилди.

ШУ ўринда Индонезияда асосий давлат дини бўлган ислом дини ҳақида бироз тўхталиб ўтмоқчимиз. Бу узоқ ўлкага ислом дини XIV асрда Ҳиндистон ва Малаккадан кириб келди. Ҳозирги кунда яшаётган аҳолининг 84 фоизи мусулмонлардир. Бу ерда динга эътиқод катта. Замонавий фан-техникани мукаммал эгалламасдан туриб, кўзланган тараққиётга эришиб бўлмаслигини ҳамма яхши тушунади. Шунинг учун ҳам диний расм-русумларни белгиланган вақтда адо этишади, давлат ишини ҳам бекаму-кўст бажаришади. Қонун олдида ҳамма баробар.

Шу куни Ислом Каримов Висма Негара саройида Индонезия Вице-президенти Судхармоно билан учрашиб суҳбатлашди.

Кечқурун Президент саройининг ҳашаматли Истан Вердек залида Ўзбекистон делегацияси шарафига катта зиёфат берилди. Зиёфатда Сухарто жаноби олийлари мустақилликка эришган юртимиз ва унинг илк Президентини, делегация аъзоларини қизғин муборакбод этди. Ислом Каримов жавоб нутқи сўзлади ва билдирилган юксак ҳурмат-эҳтиром учун делегация аъзолари номидан Индонезия Президентига чексиз миннатдорчилик изҳор қилди.

Зиёфат сўнггида залнинг маданий тадбирлар ўтказиладиган қисмида Индонезия санъат усталари ижросида катта концерт намойиш этилди. Миллий куй-қўшиқлар қалбларни ром этди. Ҳамма бир соат давом этган мусиқа кечаси қандай ўтганини сезмай ҳам қолди. Айниқса сўнгги айтишув барчанинг таҳсинига сазовор бўлди. Меҳмонлар ҳам, мезбонлар ҳам санъаткорларни олқишладилар. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Сухарто жаноби олийлари билан саҳнага чиқишиб, тенгсиз маҳорат эгаларига гулдасталар тақдим этдилар ва миннатдорчилик билдирдилар.

Биз Истан Вердек саройидан чиққанимизда Жакарта тун оғушида эди. Ярим кеча бўлса ҳам ҳаво дим, кундузгидан фарқи йўқ эди. Автобусга ўтириб меҳмонхона сари йўл олдик. Йўл-йўлакай тарихий бинолар, Озодлик ёдгорлигини томоша қилдик.

...Эрамиз бошларида Ява, Сумарта ва Калимантан ороллари дастлабки синфий жамиятлар пайдо бўлган. VII—асрда бир неча ҳокимликлар бирлашиб, Шривитайя империяси ташкил топган. Бир асрдан сўнг Явада Матарам давлати пайдо бўлди. XI асрнинг 40-йилларида Матарам Кедерн (XIII асрдан Сингасари) ва Жакарта давлатларига бўлиниб кетади. XIII аср охирида Сингасари емирилиб, унинг ўрнида Мажанахит империяси ташкил топади. Мажанахит империяси ўрта асрларда энг йирик умум Индонезия давлатига асос солган.

Мажанахит империяси мусулмон султонликларига бўлиниб кетгач, XVI—асрда Индонезия ҳудудини португаллар, кейин эса голландлар босиб олишди. 1811 йили инглизлар ишғол қилишди. Бироқ 1814 йилги Англия—Нидерландия битимига кўра, Индонезия яна Нидерландия қўлига ўтди.

Индонез халқи ҳорижий босқинчиларга қарши тинимсиз кураш олиб борди. Юз йил ичида Дипонегоро бошчилигидаги Явада, Имом Бажон бошчилигидаги Суматрада, Ачида кўтарилган қўзғолонлар тарихда машҳур. Бу кураш тўхтамади. Шу аср бошларида миллий озодлик ҳаракати янада авж олди. 1926 йили индонез халқи мустамлакачиликка қарши шиддатли қўзғолон кўтарди. Қўзғолон ваҳшийларча бостирилди. Шундан сўнг доктор Сукарно бошчилигида Миллий партия тузилди. Улар Индонезия мустақиллигини талаб қилиб чиқдилар. Оошкора ҳаракатга ўтган Сукарно ва унинг тарафдорларини қамоққа ташлашди...

Иккинчи жаҳон уруши Индонезияни ҳам ўз домига тортди. 1942 йили японлар бу мамлакатни ишғол этди. Босқинчилар урушда мағлубиятга учрагач, 1945 йилнинг 17 август куни Индонезия ўзини Мустақил Республика деб эълон қилди. Сукарно унинг Президенти қилиб сайланди. Аммо истиқлол дамлари узоққа бормади. Бир ойдан сўнг инглиз, кейин эса голланд қўшинлари Индонезияга бостириб киришди. Ўша пайтдаги СССР ҳукумати БМТ дан ёш мустақил жумҳуриятни тан олишни талаб этди. Халқ ҳам босқинчиларга қарши курашни давом эттираверди. Ниҳоят, 1949 йилнинг ноябрида Голландия Индонезия мустақиллигини тан олишга мажбур бўлди. Бироқ у озод жумҳуриятнинг мустақиллигига путур етказадиган битим тузишга эришди. Шу битимга асосан Индонезия 16 ҳудудга бўлиб ташланди. Мамлакат Индонезия Қўшма Штатлари номини олди. Аммо индонез халқи тўла озод бўлмагунча курашни давом эттира берди. 1950 йилнинг августида Индонезия мустақил давлат деб эълон қилинди ва Голландия билан тузилган барча битимларни тан олмаслик ҳақида қарор қабул қилди. 1957 йилда ҳукумат барча голланд корхоналарини ўз назорати остига олди ва бир йилдан сўнг уларни бутунлай ўз тасарруфига ўтказди.

1957 йили Сукарно давлатнинг сиёсий ва иқтисодий аппаратини қайта тузди. Президент Декрети билан 1945 йилда қабул қилинган Конституция қайтадан кучга кирди. Конституцияга мувофиқ Сукарно парламент олдида жавоб бермайдиган бўлди. Сукарнонинг Сиёсий манифест ва Миллий режалаштириш Кенгашига юборган, мактубида кўрсатилган тадбирлар давлат сиёсатининг бош йўли деб тасдиқланди.

ИНДОНЕЗИЯНИНГ мустақиллигини кўролмайдиган ташқи ва ички кучлар пинҳоний курашни тўхтатмадилар. 1965 йилнинг 30 сентябрида Жакартада Президентни қўриқловчи батальон қўмондони подполковник Унтунг қуруқлиқдаги қўшинларнинг юқори мансабли шахсларини ишдан четлатишга қаратилган фитна уюштирди. 1 октябрга ўтар кўчаси 6 генерал ўлдирилди. Унтунг гуруҳи буни Президент Сукарнога қарши фитна уюштирмоқчи бўлган аксилинқилобчиларга барҳам берилди, деб эълон қилди. Коммунистик партия бош айбдор деб топилди ва унинг фаолияти тўхтатилди. Юз минглаб тараққийпарвар кишилар ўлдирилди.

Доктор Сукарно 1966 йилнинг мартида ижро этувчи ҳокимиятни бошқаришни ва 1968 йил апрелида эса Президентлик ваколатини генерал Сухартога топширди. Янги Президент ташқи сиёсатда актив мустақиллик йўлини дадил олиб боришни ва ҳеч қандай блокларга қўшилмаслигини таъкидлади. У қўшилмаслик принципига амал қилиб, ўз ташқи сиёсатини ана шу йўналишда олиб бормоқда. Қуролсизланиш, маҳаллий можароларни сиёсий воситалар билан бартараф этиш учун, ирқчиликка ва апартеидга қарши курашмоқда.

Индонезияда Президент вазирлар маҳкамасига бошчилик қилади, ҳам қуролли кучларнинг бош қўмондони ҳисобланади. Давлат ҳокимиятининг олий органи — халқ маслаҳати конгресси конституцияга биноан Президентни сайлаш ва давлат сиёсатининг бош йўлини тасдиқлаш учун 5 йилда камида бир марта тўпланади.

Мамлакатда ошкора тарзда 3 партия фаолият кўрсатмоқда. Улар Бирлик ва тараққиёт партияси (1973 йилда мусулмон партиялари ҳам шу партияга бирлашган), Индонезия Демократик партияси, Функционал гуруҳлар ташкилоти (турли касаба союз, жамоат, кооператив ва бошқа ташкилотларни бирлаштирган)дир.

Давлатнинг иқтисодий сиёсати ажнабий инвестицияларни кенг жалб этишга асосланган. Индонезия чет элга нефть экспорт қилади. Аммо бу маҳсулотнинг жаҳондаги нархи барқарорлиги сабабли ҳукумат бошқа бир қанча молларни — каучук, ёғоч, рангли металлар, газлама, чойни кўплаб сотишга интилмоқда. Мамлакатда нефтни қайта ишлаш, автомобилсозлик, самолётсозлик, радио аппаратура, электр ускуналари корхоналари, тўқимачилик саноати, озиқ-овқат саноати яхши ривожланган...

Ҳозирги кунда Индонезия тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшилишга интилмоқда. Лекин Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур сингари мамлакатлардан анча орқада. Газеталари биздаги сингари эски услубда чоп этилмоқда. Лекин кейинги вақтда ҳорижий сармояларнинг шиддатли кириб келиши бу ердаги мустаҳкам давлат тизимини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Индонезия яна бир муҳим воқеа арафасида турибди. 1993 йили янги Президент сайлови бўлиши кўзда тутилмоқда. Бу ҳам кўпгина ўзгаришларга сабабчи бўлиши мумкин. Лекин биз билан бўладиган иқтисодий ҳамкорлик алоқаларнинг янада ривожланиб боришига шак-шубҳа йўқ. Чунки Индонезия Ўзбекистоннинг пахтасига, ипак толасига, қорақўлига жуда муҳтож.

...Индонезияга ташрифнинг иккинчи куни делегация аъзолари Калибат миллий қаҳрамонлар қабристонини эиёрат қилишдан бошланди. Мамлакат Мустақиллиги йўлида мангуликка бош қўйган қаҳрамонлар хотираси эсга олинди ва улар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбар қўйилди.

Шу куни Ўзбекистон ҳукумат делегацияси аъзолари Индонезиянинг расмий кишилари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш учун музокаралар олиб боришди. Расмий ҳужжатлар имзоланди. Ана шу ҳужжатларнинг бири бўйича Индонезия Ўзбекистонга 100 миллион Америка доллари ҳисобида қарз берадиган бўлди. Унга юқори сифатли чой, гуруч, ёғ сотиб олинади.

Ислом Каримов шу куни инвестицияни марказлаштириш бўйича Бош бошқарма раиси Саньото Састровардойо, Индонезия миллий банки бошқарувчиси ва Савдо палатаси раҳбарияти билан учрашиб, суҳбатлашди.

Ўзбекистон Президенти шу куни Сухарто жаноби олийлари билан икки марта учрашди. Сўнгги бор учрашувдан сўнг Индонезия Президенти Ислом Каримовни катта ҳурмат-эҳтиром билан кузатиб қўйди...

* * *

ОСИЁ-ТИНЧ океан минтақасидаги уч давлат — Жанубий Корея, Малайзия ва Индонезияга қилинган ташриф муваффақиятли якунланди. Ўтган тўққиз кун воқеаларга ниҳоятда бой бўлди. Ўзбекистон Президенти олиб борган музокаралар, учрашув ва суҳбатлардан ташқари делегациянинг ҳар бир аъзоси ўз йўналиши бўйича қизғин иш олиб борди. Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов, олий ва ўрта махсус таълим вазири Жўра Абдуллаев, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ўткир Султонов, «Савдо» Давлат-акционерлик жамияти бошқарувининг раиси Мираброр Усмонов ва бошқалар хорижлик касбдошлари билан учрашиб, келажакка замин ҳозирладилар. Таниқли шоиримиз Шукрулло мозамбиклик муҳаррир ва шоир билан танишиб, қизғин суҳбат қурди.

● Ватанга, Мустақил Ўзбекистонга беқиёс таассуротлар билан қайтдик. Тўққиз кун мобайнида дунё миқёсида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган уч мамлакатда бўлдик. 27 минг километр йўлни босиб ўтдик. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг «ИЛ—62» самолёти 26 соат парвоз қилди. Жакартанинг Ҳалим Перданакусум аэропортидан Тошкентга тўхтамасдан 9 соатда етиб келдик. Озод Ўзбекистоннинг мустақиллиги йўлида янги кўприклар қўйилди. Дунё билан юзма-юз учрашувлар ҳали давом этади. Олдинда эса янги манзиллар, янги учрашувлар...

Тошкент — Жанубий Корея — Малайзия —Индонезия— Тошкент.

1992 йил 16—23 июнь.

● Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов Жакарта шаҳридаги тўқимачилик комбинатида.

● «Индонезия» меҳмонхонаси Индонезия пойтахтининг энг ҳашаматли бинолардан бири.

Ж. РАЗЗОҚОВ ва Р. НУРИТДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

ХДП: ҳаёт билан ҳамнафас

КЕЛАЖАККА ДАХЛДОР

● Ҳозирги кундаги маорифчилар, қолаверса барчамизнинг олдимизда турган асосий вазифа тарбия масаласидир. Таълим-тарбия ва унинг ўчоғи ҳисоблакган мактаб жуда қадим замонлардан мавжуд, у гоҳида жадидлар, диний, гоҳида шўролар номи билан юритилган бўлсада, мақсади битта бўлган, у ҳам бўлса келажак авлодни она-Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашдир, — деди 9-мактаб директори Муҳсин Икромов.

Ушбу сўзларни мен Ўзбекистон ХДП Паркент район кенгашида яқинда шаҳар ўқитувчилари билан ўтказилган давра суҳбатидан келтирдим.

Шу куни бўлган давра суҳбатида район халқ таълими бўлими мудири Бакир Махсилов, вилоят ҳамда район партия кенгаши масъул ходимлари иштирок этдилар.

Ушбу тадбирда маорифимиз олдида турган муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Айниқса, 1-мактаб ўқитувчиси Мирхожи Мирвалиевнинг ҳозирги шароитда ёшлар билан ишлаш қўмиталари фаолиятини яхшилаш юзасидан билдирилган фикр, таклифлари диққатга сазовор бўлди.

1-боғча мудираси Р. Зиёвутдинованинг мавжуд кашшофлар уйини билим ва ҳунар ўргатадиган ёшларнинг севимли жойига айлантириш бўйича билдирган фикрлари кўпчиликка маъқул бўлди.

Суҳбат чоғида кекса зиёлилар Президентимиз Ислом Каримовнинг кейинги пайтларда мактаб ўқитувчилари ва умуман, илм аҳлини моддий ҳимоялаш бўйича амалий ишларидан жуда хурсанд эканликларини алоҳида таъкидлашди.

Давра қатнашчилари жуда муҳим бир муаммо устида алоҳида тўхталдилар. Бу Президент Фармонидан кейин мактаблар партиялардан ҳоли қилинганлиги масаласидир. Айни пайтда тарбия ўчоқларида ҳосил бўлган бўшлиққа бошқа сиёсий кучлар кириб олиб, кўпчилик фикрини чалғитишга уринмоқдалар. Бундай шароитда Халқ Демократик партияси бир четда томошабин бўлиб туролмайди. Чунки биз келажак олдида жавобгармиз, партиямиз дастури ҳам шуни тақозо этади, — деган фикрга келишди улар.

Суҳбат охирида бир гуруҳ партия аъзоларига вақтли гувоҳномалар топширилди.

А. АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Паркент район кенгаши бошланғич партия ташкилотлари ва ички партиявий алоқалар бўлими мудири.

ЯНГИ РЎЗНОМА **«ЗАМАН»—ЎЗБЕКИСТОНДА**

Ўзбекистонлик муштарийлар куни кеча Туркия билан алоқаларнинг яна бир жиҳати амалга ошганлиги шоҳиди бўлдилар. Тўғри маълумот ва матбаачиликни шиор қилиб олган «Заман» Туркияда ўз муштарийларини қисқа вақт ичида топиб олган газеталардан бири. У турк муштарийлари билан кифояланиб қолмай, Ўрта Осиёдаги муқулмон турк қардошларига ҳам хизмат қилишни ўз вазифаси деб билади. Газета бутун дунёдаги туркий халқларни бир-бирларидан хабардор қилмоқни ўзининг бурчи ва асосий вазифаси деб ҳисоблайди. Ушбу газета Оврупо, Озарбайжон ва Қозоғистондан сўнг Ўзбекистонда ҳам ахборот ва нашриёт ишларини амалга ошира бошлади. Унинг ўзбек тилида чоп этилган нишона сони куни кеча муштарийлар ўртасида текинга тарқатилди.

«Заман» бошқа нашрлар сингари мустақил ва хусусийдир. «Бизнинг хавотиримиз, шундай оғир кунларда озгина бўлсада ўз қардошларимизга мадад бўлмоққа кучимиз етармикан? — деб ёзади ўзбекистонлик муштарийларга мурожаат хатида рўзноманинг вакили Абдулвоҳид Қоя, — Уларнинг кўнглига қувонч ва илиқлик бахш эта олсак қанчалар бахтиёр бўлардик. Насиб этса, «Заман» Ўзбекистон Республикасининг овозини бутун дунёга эшиттирмоққа, халқининг жаҳондаги, айниқса Туркиядаги қондошлари билан яқиндан танишиши ва бирлашишига имкон излайди».

Ижтимоий-сиёсий мустақил газета — «Заман»нинг ўзбек муштарийларига тайёрланган нишона сонида Туркия жумҳурияти Президенти Турғут Ўзолнинг газетанинг Ўзбекистондаги нашри учун махсус табриги, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Туркияда бир неча бор сафарда бўлиб у ерда айтган сўзлари биринчи саҳифада берилган. Газетада муштарийларни ўзига жалб этувчи турли мавзудаги қизиқарли материаллар чоп этилган.

«Заман» газетасини ҳозирча ўн беш кунда бир марта, кейинчалик эса ҳар ҳафтада бир марта ўзбек тилида тайёрлаш режалаштирилган. Рўзноманинг баҳоси — 3 сўм.

БЮДЖЕТ—ХАЛҚ РИЗҚИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Мажлисга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов раислик қилди.

Мажлисда «1992 йилнинг биринчи ярми учун мўлжалланган бюджетнинг ижроси ҳамда республиканинг молиявий аҳволини барқарорлаштириш, солиқлар ва йиғимларнинг бюджетга ўз вақтида тушиши, корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

Йиғинда «Узплодоовошвинпром» концерни раиси А. Тошкенбоев ва бир қатор вилоятлар ҳокимлари ўринбосарларининг ҳисоботлари тингланди.

1992 йилнинг биринчи ярми учун мўлжалланган бюджет ижросининг дастлабки натижалари шуни кўрсатадики, деб таъкидланди мажлисда, тўловларнинг бюджетга тушишини таъминлаш ва бюджетнинг харажатлар қисмини қаттиқ тежаш юзасидан кўрилган фавқулодда чоралар туфайли даромаднинг камайиши бир қадар тўхтатилди ҳамда бюджет камомадининг кўпайишига йўл қўйилмади. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш борасида муайян натижаларга эришилди.

Шу билан бир қаторда, дейилди мажлисда, солиқлар бўйича кўзда тутилган барча даромадлар тўла олинмади. Республикадан ташқарига чиқариладиган маҳсулотдан олинадиган солиқ бўйича 2816,9 миллион сўм, акция солиғи бўйича 1501,6 миллион сўм, мулк солиғи бўйича 47,9 миллион сўм кам маблағ олинди.

Бюджетнинг даромад қисми шу йилнинг январь—июнь ойлари мобайнида 40,8 миллиард сўм миқдорида адо этилди. Шу жумладан солиқлар бўйича тушумлар 38 миллиард сўмни ташкил этди.

Тўлов интизоми ҳолатининг ёмонлашуви давом этаётгани, пул муомаласининг аҳволи ўткирлашаётгани, умуман олганда, халқ хўжалигининг аҳволи ҳамон оғирлигича қолаётгани ва бошқа камчиликлар мажлисда кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «1992 йилда капитал қурилишнинг истиқболи тўғрисида» шу йилнинг 12 мартидаги қарорининг қандай бажарилаётгани ҳамда 1992 йилда муҳим объектларни фойдаланишга топшириш-ни таъминлаш чоралари ҳақида»ги масала ҳам кўриб чиқилди. Ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари К. Тўлаганов ахборот берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов мажлисда нутқ сўзлади. У асосий диққат-эътиборни мустақил Ўзбекистон халқининг турмуш фаровонлигини оширишга, бюджет, уни бажариш, миллий даромад, солиқ, валюта, нарх-наво каби долзарб масалаларга қаратди.

Деҳқонни бадавлат қилиб, унинг маънавий оламини бойитиш давлатимиз сиёсатининг бой йўналиши бўлмоғи даркор, — деди Ўзбекистон президенти. — Чорвачилик рентабеллигини оширишимиз, маҳсулотини кўпайтиришимиз зарур.

Биз молия ва нарх-наво масаласида сиёсатимизни тўғри олиб боришимиз керак, — деб таъкидлади у. Бу сиёсатни халққа тўғри тушунтирмоқ лозим. Бозор иқтисодиётига ўтилаётганида халқимизнинг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш жуда муҳим масала бўлиб қолмоқда. Ҳар бир меҳнаткашнинг ўртача ойлигини ошириш зарур, албатта. Иқтисодий мустақилликка тезроқ эришмоғимиз даркор.

И. А. Каримов республикада халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш, аҳолининг шундай маҳсулотларга бўлган талабини қондириб бориш учун барча имкониятлар мавжудлиги, аммо бу имкониятлардан самарали фойдаланилмаётганига мажлис қатнашчиларининг эътиборини жалб қилди. У ўлкада тезроқ қўшма корхоналар барпо этиш, бунинг учун хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни яхши йўлга қўйиш, уларнинг тажрибасидан унумли фойдаланиш, айниқса чет эл фирмалари билан алоқаларни яхшилаш, корхоналаримизда хом ашёни қайта ишлашга мослаштирилган ускуналарни ўрнатиш, республикада тайёрланган халқ истеъмоли молларини хорижга чиқариш лозимлигини айтиб ўтди.

Мажлисда республика маҳсулотини рухсатсиз четга олиб чиқиб кетилишига сира ҳам йўл қўймаслик, чайқовчиликка қарши курашни бутун чоралар билан кучайтириш кераклиги алоҳида уқтирилди. Бу ишда республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг масъулиятини ошириш зарурлиги айтилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раиси Ш. М. Йўлдошев иштирок этди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

• ЎЗБЕКИСТОН—ГЕРМАНИЯ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ОДИМЛАРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

завод яқинидаги янги уйларга кўчиб ўтишган.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбири билан суҳбатда Вернер Ниефер корхона ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун бу ерга келганини таъкидлади. Иншоот фирмада катта қизиқиш туғдирди. Бу ерда кўп нарсаларни охиригача қуриб битказиш ва қайтадан қуришга тўғри келади. Завод биринчи автомобилни қачон чиқаришини ҳозир айтиб бўлмайди. Гап бу ерга Германиядан келадиган лойиҳачи муҳандисларда қолган. Россиядаги мотор заводи ҳисобга олмаганда фирма МДҲ мамлакатларида қўшма корхоналарга эга эмас.

Меҳмонлар Амударёдаги гидроэлектр станциясини, Туямўйин тўғонини бориб кўрдилар. Қадимги Хива бўйлаб саёҳат қилишди.

Ўша куниёқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов билан «Мерседес—Бенц» фирмасининг раҳбарлари Тошкентга жўнаб кетишди.

Хоразм бўйлаб сафарда меҳмонларга Хоразм вилоятининг ҳокими М. Жуманиёзов ҳамроҳлик қилди.

Ю. ИБРОҲИМОВ,
ЎзА мухбири.

● Германиянинг «Мерседес-Бенц» фирмаси раҳбариятининг вакиллари учун 20 июль, душанба куни Ўзбекистон пайтахтида жуда тиғиз ва самарали бўлди. Меҳмонлар Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов билан биргаликда Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига боришди.

Муболағасиз айтиш мумкинки, барча ривожланган мамлакатлар ҳам бу қадар қудратли корхонага эга эмас. Қолаверса, Тошкент авиасозларининг маҳсулоти ҳам — қудратли ИЛ-76 юк ташувчи самолётлари сайёрамизнинг барча қитъаларида яхши маълум.

«Мерседес — Бенц» фирмаси директорлар кенгашининг президенти ва Германия делегациясининг аъзолари бирлашма раҳбарлари билан учрашдилар. Суҳбат чоғида ўзаро манфаатли муносабатларни, яқин амалий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўтарилди. Меҳмонлар корхона цехларида бўлиб, қудратли лайнерларни ишлаб чиқариш технологияси билан танишдилар.

Мутахассислар билан учрашувда таъкидланганидек, фирма дунёга машҳур автомобилларни Ўзбекистонда чиқаришга қачон киришишини ҳозир айтиш қийин. Муносабатларнинг ҳозирги босқичида ҳамкорликнинг энг аниқ-равшан йўли бу ерга Германия автомобилларини олиб келиб, сотишдир.

Сўнгра Ўзбекистон Президенти билан «Мерседес-Бенц» фирмасининг вакиллари Тошкент мотор заводига боришди.

Лойиҳачиларнинг фикрича, бу улкан корхона пахта териш тракторлари учун юз от кучга эга бўлган двигателлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган эди. Аммо маблағ етишмаслиги, қурилишнинг чўзилиб кетганлиги бошқа объектив ва субъектив сабаблар бу режаларни рўёбга чиқаришга имкон бермади. Жуда катта бу завод, афсуски, ҳозир уч ғилдиракли болалар велосипеди ишлаб чиқармоқда. Бозор муносабатларига ўтиш даврида бундай ёндашувни омилкорлик деб аташ қийин, албатта. Зеро, Тошкент мотор заводи улкан ишлаб чиқариш майдонларига эга бўлиб, бу ерга мураккаб инженерлик коммуникациялари олиб келинган. Аммо реконструкциялаш учун маблағ керак. Вернер Ниеферни ва Германия фирмасининг бошқа раҳбарларини бу иншоот жиддий қизиқтирганлиги тушунарлидир.

Ўз-ўзидан равшанки, жиддий иқтисодий ишланмалар, мутахассисларнинг ҳар томонлама пишиқ-пухта хулосалари зарур. «Мерседес-Бенц»нинг мутахассислари Ўзбекистонга бўлғуси сафарлари чоғида айни шу иш билан шуғулланадилар.

Сафар тугагач икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Бу ҳужжатларда мустақил Республика билан Германиянинг «Мерседес-Бенц» фирмаси ўртасидаги ҳамкорлик йўллари белгиланган.

«Мерседес-Бенц» фирмаси раҳбарларининг вакиллари ўша куниёқ Тошкент яқинидаги лимонарийга боришди.

Л. ЛЕВИН,
ЎзА мухбири.

БЕШ ХАЛҚА БЕЛГИСИ ОСТИДА

Маълумки, Тошкент шаҳар ҳокими А. И. Фозилбеков шу йил март ойида 2000 йилги олимпиада ўйинларини Тошкентда ўтказиш учун Халқаро олимпиада комитети номига ариза топширган эди. Бу таклифни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов ва Ўзбекистон Миллий олимпиада комитети қўллаб-қувватлади.

Тайёргарлик кўриш сифатида Тошкент шаҳри ва тайёргарлик комитетининг А. И. Фозилбеков бошчилигидаги делегацияси 15 июль куни Барселонага учиб кетган эди.

18 июль куни Барселонада Тошкент шаҳри ва тайёргарлик комитетининг делегацияси журналистлар билан учрашиб, 2000 йилда ХХУП олимпиада ўйинлари ўтказиладиган жойга даъвогар сифатида Тошкент шаҳрининг иштироки масаласини асослаб берди. Журналистлар билан учрашувни Халқаро олимпиада комитети барча даъвогар шаҳарлар учун ташкил этган бўлиб, у халқаро олимпиада комитетининг 99 сессияси ва Барселонада ХХУ Олимпиада ўйинларининг бошланишига бағишланди. Тошкент шаҳрининг ҳокими А. И. Фозилбеков, тайёргарлик комитетининг раиси У. М. Эштоев, Ўзбекистон миллий олимпиада комитетининг биринчи вице-президенти С. С. Рўзиев, делегациянинг бошқа аъзолари мухбирларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтардилар.

2000 йилдаги Олимпиада ўйинлари ўтказишга Тошкентнинг даъвогар бўлиши жаҳон журналистлари ва спортчилари доирасида катта қизиқиш уйғотди ва маъқулланди.

Делегация ҳозир ҳам Барселонада олимпиадани ташкил этиш ва ўтказиш масалалари билан танишмоқда.

• ЎЗБЕКИСТОН— ВАТАНИМ МЕНИНГ

МУСТАҚИЛЛИК КУНИ АРАФАСИДА

● Ўзбекистон аҳли интизор кутаётган кун — республикамиз мустақиллигининг бир йиллиги нишонланадиган мўътабар сана тобора яқинлашмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат назорати комитети раиси, Мустақиллик кунини байрам қилишга тайёргарлик кўриш республика комиссияси ишчи гуруҳининг раҳбари М. М. МИРҚОСИМОВга бир қанча саволлар билан мурожаат қилди.

— Мираҳмад Мирҳожиевич, асосий тантаналар 1 сентябрь куни Мустақиллик майдонида бўлади. Ўша кунни бир тасаввур этиб кўрайлик.

— Аввало, мен 31 август ва 1 сентябрь кунлари Мустақиллик куни муносабати билан умумхалқ байрами бўлишини айтиб ўтмоқчи эдим. 31 августда Халқлар дўстлиги саройида тантанали мажлис бўлади. Бу анжуманга Тошкент шаҳри жамоатчилигининг вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларнинг делегациялари таклиф этилади. Чет эллик меҳмонлар, хорижий давлатларнинг Тошкент шаҳридаги дипломатик ваколатхоналари намояндаларини мезбон сифатида лутф билан кутиб оламиз. Шу куни муҳташам саройда байрам концерти бўлади. Республикамизнинг жами шаҳарлари ва районларида, меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда ва даҳаларда шу улуғ кунга бағишлаб оммавий халқ сайллари ўтказилади.

Тошкентнинг бош майдони не-не ижтимоий-сиёсий ва маданий воқеаларнинг гувоҳи бўлган, лекин бу галги байрам ўзгача шукуҳ, ўзгача тароват билан ўтади. Чунки эндиликда озод халқ ўзининг чинакам миллий байрамини нишонлайди.

...Баланд иморатларнинг тепасидан карнай садолари эшитилади, жўровоз бўлиб майдондан ҳам карнай-ноғора оҳанглари янграйди. Шундай қилиб қадимий ўзбек удумига кўра, байрам бошланиши овоза қилинади. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунига бағишланган шеърлар ўқилади. Кўҳна байрам куйи — «Дучава» чалинади. Осмонга тезучар қирувчи самолётлар кўтарилади. Республикамизнинг миллий байроғи ранглари кўкда ял-ял товланади. Шу таҳлитда гўё ўтмиш билан бугунги кун юз кўришгандек бўлади. Байрамнинг ушбу дебочасида фольклор дастаси, қўшма ҳарбий оркестр иштирок этади.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти республика аҳлини муборак байрам билан қутлайди.

Тарихимизда биринчи бор Ўзбекистон Қуролли Кучлари ва Миллий гвардиясининг паради бўлади. Парад қўмондони Президентга ва мудофаа вазирига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг сафга чиққан қисмлари тантанали маршга шай бўлиб тургани ҳақида ҳисоб беради. Шундан кейин майдондан Ватанимиз посбонлари — аскарлар ва жанговар техника саф тортиб ўтади. Ҳарбий парад қўшинимиз Ўзбекистон суверенитети ва халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини муҳофаза этишга тайёр эканининг намойишига айланади, деб ўйлайман.

«Мустақиллик, дўстлик, тинчлик»дек ҳар бир кишининг кўнглига яқин сўзлар байрамимиз шиоридир.

Табаррук кунларда аждодларимизни эслаш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Маълумки, Буюк ипак йўли дилларни-дилларга, элларни-элларга боғлаган. Пойтахтимиздаги районлардан бирининг сафларида ана шу манзаралар кўз ўнгимизда намоён бўлади. Майдондан қўнғироқларини жаранглатиб карвон, кўҳна либосларда карвонбошилар ва карвон аҳли ўтади. Шу куни бу ерда биз Тўмарис ва Спитаменни, Абу Али ибн Сиёнو ва Абу Райҳон Беруниийни, Амир Темур ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурни, Улуғбек ва Навоийни кўргандек бўламиз. Аждодларимиз руҳидан мадад оламиз ва улуғ ишларга камарбаста бўлиб туриш учун куч-ғайратга тўламиз. Хуллас, байрам тантаналари ёдимизда умрбод қолади, деб ўйлайман.

— Расм-русумимизга кўра, байрамлар, ҳайитлар совға-саломсиз бўлмайди...

— Тўғри. Аввало, шаҳарларимиз, район марказларида юбилейга қизғин тайёргарлик кўрилаётганини айтиб ўтмоқчиман. Улар бамисоли янги сарупо киядилар, ўзларига оро берадилар. Мустақиллик кунига бағишлаб нашриётларимиз янги китоблар, брошюралар чиқарадилар. Маҳаллий саноат, Алоқа вазирликларининг корхоналари, Ўзбекистон енгил саноати уюшмаси, озиқ-овқат саноати, ўзбек чинниси концернлари, Давлат матбуот комитети байрамга атаб совға-саломлар тайёрлайдилар. Шу қутлуғ санага бағишлаб юбилей медалини чиқариш мўлжалланмоқда.

— Ўзбекистондаги ҳар бир жамоа, ҳар бир фуқаро катта тўйга тўёна билан келиш ниятида десак, янглишмасак керак...

— Тўйда, маъракаларда бел боғлаб хизмат қилишга ўрганган халқмиз. Мустақиллик кунини нишонлашга баҳоли қудрат ёрдам беришга аҳд қилган одамлар беҳисоб. Шу боисдан махсус жамғарма очишга қарор қилинди. Унда корхоналар ва фуқаролардан тушган маблағлар йиғилади. Ўзбекистондаги жами меҳнат жамоалари, шунингдек, чет эл фирмалари билан биргаликда очилган корхоналардан тушган маблағлар, айрим фуқароларнинг ҳадяларини ҳам шу ҳисобга ўтказиш мумкин. 18 июлдан бошлаб Тошкент шаҳридаги Давлат банки шаҳар бошқармаси ҳисоб марказида сўм маблағи ўтказиш учун 000700702-сон счёти, пойтахтимиздаги ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида эса валюта ўтказиш учун 70000061-сон счёти очилганини эслатиб қўймоқчиман.

Ўзбекистондаги ҳар бир фуқаронинг кўксида Ватанга меҳр алангаси ловуллаб турибди. Эл-юрт равнақи учун тер тўкаётган ҳар бир киши байрамга ўз меҳнати, ўз улуши билан ҳисса қўшади, деб ўйлайман.

А. АБДУҚОДИРОВ,
ЎзА мухбири.

⊙ Республикамизда етиштириладиган дон маҳсулотининг асосий қисми Қашқадарё вилоятида тайёрланади. Вилоят деҳқонлари бу йил ҳам ғалладан мўл ҳосил етиштирдилар. Айни кунларда бу ерда ўрим-йиғим қизғин. Айниқса, Ульянов районидаги 15-давлат хўжалиги миришкорлари бу борада ибратли ишлар қилишмоқда. Усмон Юсупов районидаги Ульянов номли давлат хўжалиги ғаллакорлари эса вилоятда биринчи бўлиб йиллик режани бажаришди.

Суратларда: 1. Ғаллачилик бригадаси бошлиғи Қурбон Чориева комбайнчи Файзулла Рустамов ғалла ўримини сифатли ўтказиш юзасидан суҳбатлашмоқдалар. 2. Илғор трактор чи Знёдулла Абдуллаев. 3. Бўлиқ бошоқлар.

Б. ИСМОИЛОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ДОКТОРАНТЛАР ВА АСПИРАНТЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг илмий салоҳиятини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, юқори малакали ходимларни тайёрлаш сифатини ошириш, шунингдек аспирантлар ва докторантларни ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда докторантура ва аспирантурада таълим олаётган шахсларга, улар қайси идорага бўйсунишларидан қатъи назар, 1992 йил 1 сентябрдан бошлаб қуйидаги миқдорда стипендиялар, шу жумладан имтиёзли овқатланишга ойлик компенсация тўловлари белгилансин:

Докторантларга — олий ўқув юртининг илмий даражаси бўлган муаллимнинг мансаб оклади миқдорида;

аспирантларга — олий ўқув юртининг илмий даражаси бўлмаган муаллимнинг мансаб оклади миқдорида.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги шу мақсадларга зарур миқдорда пул ажратсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 20 июль.

• НУҚТАИ НАЗАР •

ИНСОФ САРИ БАРАКА

«Кунлиги» бўлмаган касб бормикин? Йўқ, албатта. «Қўли текканнинг оғзи ҳам тегади» деб бежиз айтишмаган. Йиллар давомида биз «кунлиги»га яшаганлигимизни билмай келдик. Хўш, айтинг-чи, колхозчи 20—30 сўм маошга кун кўра олармиди? Албатта, йўқ. У мажбурий равишда хўжаликка қарашли боққа, бедазорга... киради. Далада бир амаллаб кунини ўтказиб, томорқасида ишлашга интилади. Ул-бул етиштириб, бозорга опчиқади. Шу даромад кунлик эмасми?

Ишчи, темирйўлчи, шифокор, ўқитувчи—ҳамма-ҳамма шундай кун кўради, ҳозир ҳам шундай бўляпти.

Нима учун биз кейинги пайтда пахтадан безиб қолдик. Унинг майдонларини қисқартиришга тушдик. Чунки, унга қўлимиз тегмаяпти. Сабзавотчилик хўжаликларида ишлаётганлар «кунлиги»ни колхоз даласидан олиб кетиши тайин гап. Пахтакорчи? Илгари оналаримиз даладаги пахтадан териб келиб, чигитлаб, ундан чопон, нимча, шим тикиб беришарди. Совуқ урган кўракларни шилиб молларга берардик. Ғўзаларни ўтаб, қўйларни боқардик. Мавсумнинг охирида далага молларни бемалол ҳайдаб юборардик. Ғўзапояларини тандирга ёқардик.

Кейин-чи? Кейин уйга бир кило пахта олиб келсангиз, молингиз пахта даласига яқинлашса «давлат мулкини ўғирлаган» дейишди. Культивация даврида битта ғўзага шикаст етказган механизаторнинг боши ғавғодан чиқмасди. Шу боис, айниқса, табиий газ келгандан кейин деҳқонга пахтанинг бутунлай кераги бўлмай қолди.

«Кунлиги» деганда биз қинғир йўл билан топилган даромадни тушунамиз. Лекин ҳамма вақт шундаймикин? Масалан, мен қаламкашман. Бирор киши менга таржима олиб келса, ишдан кейин уни тайёрлаб, пул ишласам, нимаси ёмон? Назаримда косиблар ,ҳунармандларнинг кейинги пайтда йўқ бўлиб кетганлигига ҳам бизнинг маҳкамачилик ёки ортиқча пул ишлашга бўлган нотўғри муносабат сабабчи деб ўйлайман. Бунинг яна бир сабаби бор: биз йиллар давомида болаларга «пул маҳруҳ, пул ҳаром бойлик — бизга душман» деб ўргатиб келдик. Оқибатда саводсиз қолишсаям мактабга қатнайверишдию-, пул топишни ўрганишмади. Шаҳар жойларида эса пул топишни фақат олибсотарлик деб тушунишади.

Халқимиз мақолларига эътибор берганмисиз? «Ўзинг учун ўл этим», «Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилур», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарида шундай дейилади:

«Бозордаги савдогар косиблар халққа ҳиёнат қилувчи ваъдаси ёлғон одамлардир. Улар бир пуллик матони юзга сотиш билан мўйнг бор мақтанадилар... Тўғрилик билан савдо юритиш — улар учун гўё зарар келтиради; ваъдага вафодорлик — улар учун гўё бадкирдорлик ҳисобланади. Улар савдога берилиб охиратни унутадилар, инсоф ва адолат тарозиси борлигини тан олмайдилар. Ўғил отани алдаши—буларнинг ҳунарлари...».

(Насрий баён муаллифи Иноят Махсумов).

Демак, ҳалол-покизалик билан топилган кунлик даромадгина яхшиликка ярайди.

Минг афсуски, биз қинғир йўллар билан топиладиган «кунлик»ка ўрганиб қолдик. Жумладан, шу йилнинг қишида Самарқандда воситачилик ва тижорат дўконлари шу қадар кўпайиб кетдики, асти қўяверинг. Тўғри, вилоят ва шаҳар ҳокимняти дарҳол бунга қарши кураш бошладилар. Воситачилик дўконларининг 60 таси қисқаргани билан қолган 120 таси битта шаҳарга кўплик қиларкан. Чунки аслида магазинга чиқиши керак бўлган моллар ўша дўконларда сотилаётганини ҳамма билади. Мустақилликни, эркинликни биз ана шунақа тушуняпмиз...

Лекин шу масалада савдо ходимларининг ҳам эътирози бор.

— Чет элга саёҳатга бораётганлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда, — дейди улар. — Зиёрат баҳонасида асосан ул-бул нарса харид қилиниши ҳеч кимга сир эмас. Хўш, ана шу нарсалар бозорда чайқовчининг баҳосини олгандан кўра воситачилик дўконида бир хил нархда сотилгани маъқул эмасми?

Очиғини айтсам, мутелик, буйруқ, кўрсатма асосида ишлашга шу қадар кўникиб кетган эканмизки, унинг оқибатларини англаганим сари ич-ичимдан эзиламан. Йўқ, биз бунчалик авом халқ эмасдик. Ери, пули, имконияти бор деҳқонни қулоқ қилишди. Илмли, маърифатли, соғлом фикрли кишиларимизни турли тазъйиқлар остида бадном этишди. Ҳуррият-га интилганларни миллатчига, халқ душманига чиқаришди. Шу боис бугун мустақилликка эришган бўлсак-да, иш ни нимадан бошлашни билмай гангиб турибмиз. Бундай пайтда олибсотар, «ишбилармон», ўғриларнинг киссаси қаппайиб, дастурхони тўлиб турибди.

Қизиқ, «кунлиги» деган тушунча йўқолармикин? Бу саволга аниқ жавоб берадиган мард йўқ. Чунки «йўқолади» десангиз, фақат кунлик даромади бор кишиларгина бой-бадавлат яшашади. «Йўқолмайди» десангиз, ноқларга шерикдай сезасиз ўзингизни...

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, агар оиланинг ялпи даромадини юз фоиз деб ҳисоблайдиган бўлсак, шаҳарда маош унинг атиги 40, қишлоқда эса 30 фоизини ташкил этар экан. Демак даромаднинг қолган қисмини «кунлик» дейишга ҳаққимиз бор. Чунки ойлик маош етмагач, даромаднинг бошқа йўллари билан оилани боқишга мажбурсиз. Аммо пулни қандай қилиб топиш ҳар бир кишининг виждонига, имкониятига, қудратига боғлиқ. Инсоф сари барака.

Илгари олибсотарни кўргани кўзимиз йўқ эди. Энди касалхонада ҳам, мактабу боғчада ҳам хотинларнинг қўлтиғида тугунча. «Японларнинг рўмолидан бор, олласизми», «Ҳиндиларнинг мана бу жемперини қизимга олувдим тўғри келмади, керак бўлса олақолинг», «Қаранг, ўғлимга кий, десам унамади, яхшиси сотиб бошқа нарса оламан», Хуллас, шунақа гаплар.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОЛИМ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАБ

Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев беназир инсон эди. У атоқли олим, давлат арбоби сифатида республикамиз жамоатчилиги орасида зўр обрў-эътибор қозонган эди. У ҳаёт бўлганида шу йилнинг август ойида 80 ёшга тўларди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Ҳ. М. Абдуллаев юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда Ҳ. М. Абдуллаевнинг юбилейини ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар белгилаб берилади. Олимнинг 80 йиллик юбилейини ўтказиш ташкилий комитети тузилди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳамда Ҳ. М. Абдуллаевнинг 80 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий комитети рўйхати рўзноманинг келгуси сонида эълон қилинади.

БИЗНИНГ СУҲБАТ

САФ КЕНГАЯВЕРАДИ

● Ўзбекистон Президенти Фармонига биноан шу йил республикада бир неча янги олий ўқув юрти ташкил этилганди. Улар қаторида Қарши аграр иқтисодиёт институти ҳам бор. Бу Қарши Давлат дорилфунунидан кейин вилоятда иккинчи олий билим даргоҳи ҳисобланади. Биз институт ректори Эргаш КАРИМОВ билан учрашиб, янги илмгоҳнинг юзага келиши, унинг бугунги ва эртанги куни ҳақида суҳбатлашдик.

— Қашқадарё ишлаб чиқариши ҳам, иқтисодиёти ҳам жадал ривожланаётган вилоят. Юксалиш жараёнида табиийки, муаммолар ҳам юзага келади. Уларни эса мутахассис кадрлар ҳал этади. Афсуски, халқ хўжалиги тизимларида иқтисодчи, агросаноат мажмуи мутахассислари етарли эмас. Кундалик ҳаёт қўриқ вилоятда янги—аграр иқтисодиёт институтининг юзага келишини тақозо қилди.

Институт Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти Қарши филиали базасида ташкил этилди. 1200 ўринли ётоқхона, ошхона, кутубхона, профилакторий, иккита шинам спорт зали, ўқув-амалий машғулот ўтказиш хоналари мавжуд. Ҳозирча лабораториялар ҳам етарли. Республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоят, шаҳар ҳокимликлари долзарб муаммоларимизни ҳал этишяпти.

— Қандай мутахассис кадрлар тайёрланади?

— Ҳозирча институтда бешта факультет ишлаяпти. Яъни қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги иқтисодиёти, бухгалтерия, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва гидромелиорация факультетларидир.

Бу йил икки юз нафар талаба қабул қилинади. Аммо бу жуда оз. Имкониятдан келиб чиқиб кейинчалик қабул ўсиб бораверади. Бундан ташқари яқин келажакда гидромелиорация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислиги мутахассислигига ёндош кадрлар тайёрлаш режамиз ҳам бор.

— Эргаш Каримович, институтнинг моддий базасини мустаҳкамлаш учун яна қандай ишлар қилиняпти?

— Йил охиригача 800 ўринли мажлислар зали, маъмурий бино ва кутубхона қуриб битказилиши керак. Вилоят раҳбарларининг ёрдами билан Ғузор районидан ҳудудидан ажратиб берилган эллик гектар ерни ўзлаштириб, деҳқончилик қиляпмиз. Бу ерда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириляпти. Албатта, пахта толасидан келадиган даромад эвазига институтга янги техника, лабораторияларимиз учун замонавий асбоб-ускуналар сотиб оламиз. Кўпгина хўжаликлар ва вилоят ташкилотлари билан яқин алоқадамиз. Ишлаб чиқариш билан узвий амалий боғланиш мақсадида вилоят сув хўжалиги бошқармаси, «Водоканал» бирлашмаси, Қарши магистрал канали бирлашмаси, тажриба-механика ремонт заводида очилган кафедралар намунали ишлаб турибди. Ҳозир институтда 150 дан зиёд ўқитувчи ишламоқда. Албатта, улар сафи кенгайиб бораверади.

Суҳбатдош:
М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ОҚЛОВ

● Жаҳонгир Уллиевни тиниб-тинчимас, ғайрат-шижоатли, ташаббускор раҳбар сифатида яхши билар эдим. У раис бўлган жамоа хўжалигида албатта ҳар йили ўзига хос қандайдир бир вломат иш амалга оширилар, бу ишлар донғи бутун Хоразмга, жумҳуриятнинг бошқа туману вилоятларига ҳам овоза бўларди.

Деҳқончиликда зараркунандаларга қаршн курашда биринчилардан бўлиб биологик методин қўллаган ҳам, Оролбўйи зонасида сув муаммоси юзага кела бошлаган дастлабки пайтлардаёқ хўжаликдаги қишлоқлар аҳолисини ичимлик сувн билан таъминлаш учун водопровод қувурларн ётқиза бошлаган ҳам, вилоятда даставвал хонадонларни хўжалик ҳисобига табиий газ билан таъминлаб чиққан ҳам ана шу — Хонқа районидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалиги раҳбарияти, биринчи навбатда ишбилармон ва уддабурон раис Жаҳонгир Уллиев эди.

ЖАҲОНГИР ака 1976 йилда ўша пайтдаги район раҳбари Маркс Жуманиёзовнинг таклифига биноан мазкур хўжалик бошқарувига раис бўлиб келди. Ўша йилларда хўжаликда аҳвол ғоят оғир, асосий тармоқлар — пахтачилик билан чорвачиликда ҳосилдорлик яиҳоятда паст, бошқа қўшимча соҳаю тармоқларни кўтаришга киришилмаган ҳам эди. Янги раис шу ерда кўп йиллардан бери ишлаб юрган, хўжалик иқтисодининг паст-баландини яхши тушунадиган кишиларни ёнига тортди, тажрибали бригадирлар, суяги меҳнатда қотган асл деҳқонлар, қолаверса, қишлоқ оқсоқоллари билан бамаслаҳат иш юритди.

Нотекис, бетартиб жойлашган дала майдонлари юз фоиз текисланди. Ерларнинг заҳини кетказиш ниятида заҳкашлар, коллекторлар тортилди. Ҳадеб нуқул пахта экилавергани дан ер толиқиб қолган, кузга бориб ҳосил ҳар гектаридан атиги йигирма-йигирма беш центнерга базўр етар эди. Шу сабабли ерларга навбатма-навбат ғўза, беда, маккажўхори, лавлагини алмашлаб экиш жорий қилинди. Хўжаликнинг моддий аҳволи чатоқлиги сабаб (Ж. Уллиев раис бўлиб келган йили хўжалик давлатдан икки миллион сўм қарздор эди), янги техника воситалари сотиб олиш ғоят мушкул иш эди. Шунинг учун раис ўзи илгари муҳандис-механик бўлиб ишлаган корхонаю ташкилотлар, қўшни хўжаликлардан илтимос қилиб, энг зарур пайти, мавсум авжига чиққан чоғларда улардан қўшимча трактор, машина, бошқа зарур воситалар келтириб, ишларни поёнига етказиб оларди.

Ана шундай чораю тадбирлар ишга солиниб, хўжалик уч-тўрт йил ичида қаддини ростлади. Қарзларнинг охири кўриниб қолди, хўжалик аъзолари маош олиш нималигини яна сеза бошлашди, машина-трактор паркида бўёқлари ярақлаб турган янги машиналар кўзга чалиниб, хўжалик сут-товар фермасида ўнлаб, юзлаб зотдор қорамоллар пайдо бўлди.

Лекин юқори доираларда эсаётган шамоллар негадир бошқа томон бурилиб, Хонқа районини республикадаги энг илғор туманлардан бирига айлантирган раҳбар Маркс Жуманиёзов вилоятдаги бошқа қолоқ районни тиклаш тўғрисидаги топшириқни, яъни «партия ишончи»ни оқлаш баҳонасида ўша еққа ўтказиб юборилди. У йиллардаги тажриба тарихдан маълум: катта раҳбар ўзгардими, албатта, қуйи поғонадаги раҳбар, масъул ходимларнинг аксарият қисми алмаштирилиши кун тартибига чиқарди. Бунга сабаблар ҳам талайгина: бошқа ишга ўтганлиги учун, ўз аризасига кўра, соғлиғи ёмонлашганлиги туфайли ва ҳоказо.

Районга янгидан раҳбар бўлган «хўжайин»нинг кадрлар соҳасидаги сиёсатида Жаҳонгир Уллиев масаласи алоҳида бир бобни ташкил этди — у тиш ўтмайдиганроқлар хилидан бўлиб чиқди. Райкомнинг биринчи котиби бир неча бор хуфия суҳбатларида билдирган таклифга Ж. Уллиев: —«Менн бу ўринга Сиз тайинламагансиз, ҳатто ўзим ҳам ариза бериб ўтмаганман, мени ана шу колхознинг умумий йиғилишида колхозчилар бир овоздан раис қилиб сайлашган эди. Мабодо улар «боринг, бўшанг» дейишса, шу куниёқ ўз ишимни топиб кетаман», қабилида жавоб қилди. Шу бўлдию, икки раҳбар ўртасидан «қоп-қора мушук» думларини силкитиб, мўйловларини ялаганча, ҳурпайиб ўтиб кетди. Ҳатто бир-бирига дуч келиб қолган жойларда ҳам раис берган саломга райком котиби хоҳласа хиёлгина бош ирғаб қўяр ёки умуман ўзини кўрмаганга солиб ўтиб кетаверарди. У энди К. Маркс номли хўжалик ерларини четлаб ўтар, бу ерга нуқул тафтишчию назоратчилар ташриф буюришарди.

Бир куни райком бюроси йиғилишида« шу куннинг энг муҳим вазифаларидан бири — дағал хашак тўплашнинг бориши» масаласи муҳокамага қўйилди. Мажлисда обкомнинг иккинчи котиби, Ўзбекистонга «оталарча» ёрдам кўрсатгани «она юртини ташлаб, мусофирликка ҳам розн бўлиб келган» десантчилардан бири Леонид Нетяга шахсан иштирок этар, у маҳаллий ходимларга Хоразм тупроғида қандай қилиб дурустроқ деҳқончилик қилиш лозимлигини ўргатиб қўйиш истагида завқ-шавққа тўла эди.

Район раҳбари умумий аҳволни ҳикоя қилгач, партиянинг муҳим топшириғини бажариш иши фақат К. Маркс номли хўжаликда пайсалга солинаётгани, бунга биринчи навбатда хўжалик раиси коммунист Ж. Уллиев айбдорлиги, район раҳбарлари ва мутахассисларнинг бу борадаги фикрларини менсимаётгани ҳақида ахборот берди. Шундан сўнг Нетяга раисга ўқрайиб боққанча, ўрнидан туриш ва «конкрет ҳисобот» бериш тўғрисида буйруқ қилди.

Раис ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қилган далилу исботларга у ишонмади. Иккинчи котиб бир нарсадан ғоят ҳайрон эди: партия муайян бир топшириқ берганида уни жами хўжаликлару ташкилотлар енг шимариб амалга ошираётган бўлсаю, нега энди аллақандай бир хўжалик раҳбари бу муҳим кўрсатмани бажармайди. У раиснинг ўжарлигидан тутоқиб кетди-да, бу масалани эртагаёқ обком бюросига қўйдириш, масъулиятсиз, партия интизомини тушунмайдиган нодон раисни зудлик билан партиядан ҳайдашга таҳдид қилиб, мажлисдан чиқиб кетди.

РАИС ОДАМ ЎЛДИРГАНМИДИ?

ЁКИ ҚАТАҒОН ЙИЛЛАРИДАН ЯНА БИР ҲИКОЯ

Камина навбатдаги мажлис тафсилотини ҳам ҳикоя қилиб ўтирмасдан ана шу воқеа-ҳодисалар тўғрисида ўша пайтда жумҳурият рўзномаларидан бирида эълон қилинган мақоланинг қисқача мазмунини баён этишни маъқул топди.

ХУЖАЛИКДА алмашлаб экиш яхши йўлга қўйилгани, натижада чорва зарур озуқа — беда, маккажўхори, лавлаги билан етарли таъминлана бошлагани юқорида қайд қилинган эди. Чорвачиликдаги ҳосилдорлик шунга яраша ўсиб, ҳар юз бош қорамолдан йилига юзта бузоқ олиш, ҳар бир сигир берадиган сут миқдори 2200 литрдан кам бўлмаслиги (вилоят ва райондаги ўртача кўрсаткич — 2000 литр эди) хўжаликда оддий воқеа эди. Мақола муаллифи кўрсаткичларни келтириб, дағал хашак нима учун кам тайёрланаётгани тўғрисида Ж. Уллиевнинг фикрини холисона ёритди: зарур озуқа-беданинг ўртача таннархи ҳар бир центнерига 2 сўм 18 тийиндан тўғри келаётган бир пайтда худди шунча дағал хашак тайёрлаш учун 5 сўм 20 тийин сарфлашга ҳожат йўқ. Унинг устига дағал хашакни асосан туя билан қўй ейди, хўжаликда бундай тармоқларга ҳали асос солинмаган эди...

Жаҳонгир Уллиев ана шу ҳужумларга қарамасдан партияда ҳам, ўз лавозимида ҳам қолаверди...

Лекин... 1989 йил бошларида Хоразмга навбатдаги хизмат сафарига борганимда танишлардан Жаҳонгир акани сўрадим. Улар сермаънолироқ қилиб, «бечора яқинда қамалди», дейишди. Сабабини сўрасам, «кўряпсизку, ҳамма ёқда шу-да» деб қўя қолишди. Мен ўшанда «раиснинг ғанимлари барибир бирон ишкални топишибди-да», деган ўйга бордим.

Бироқ... Мана, орадан уч йилдан зиёд вақт ўтгач, Жаҳонгир Уллиев билан яна учрашдик. Бир пайтлар кўзларидан ўт чақнаб турган бу оловқалб инсоннинг чеҳраси хиёл маъюс, бир неча йил тортган азоб-уқубатлари нигоҳларига кўланка ташлаган. У билан анча суҳбатлашдик. Кўрган-кечирганларини батафсил, шошилмасдан гапириб берди.

Мен олдимда турган бир даста турли ҳужжатлар қатламини варақлайман. Ва эшитаётган гапларим, ўқиётганим қоғозларда битилган қиссанинг ғаройиблигидан лол қолиб, ёқа ушлайман. Шунда не-не асрлар мобайнида барча уламою фузалолар қайта-қайта таҳлилларга ҳикмат ёдимга тушади: бандасини уч балодан — ўт балосидан, сув балосидан, қуруқ туҳмат балосидан Яратганнинг ўзи асрасин.

... «Сирдарё вилоят суди жиноий ишлар бўйича судлов коллегияси Ўзбекистон Республикаси номидан 1991 йил 28 октябрь куни чиқарган ҳукм», «Ўзбекистон Республикаси Олий Суди жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси 1992 йил 10 февраль куни чиқарган ажрим», «Сирдарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси 1992 йил 29 майда қабул қилган ажрим» — булар Жаҳонгир ака учун ҳар бир нуқтаю вергулигача ёд бўлиб кетган ҳужжатларнинг қисқача рўйхати. Ана шу ва яна ўнлаб бошқа ҳужжатлар дунёга келгунигача бўлган барча воқеа-ҳодисалар тафсилоти бир инсон хотирасида асло ўчмайдиган бўлиб муҳрланиб қолган. Биз у ғаройиботларни ҳикоя қилиб, ўқувчи шуурини ортиқча ларзага солишдан ўзимизни тиямиз.

Юз берган воқеаларнинг қисқача баёни шундай. 80-йилларнинг иккинчи ярмида Хоразм диёрига келиб тушган «десант»нинг фаол аскарлари — партиявий бюрократ Нетяга, прокурор Николаев, вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарларидан бири Сушченко ва яна бир неча ижрочилар маҳаллий лаганбардор амалпараст, томирларида ҳали ҳам қуллик қони оқаётган бандалар иштирокида ва ижросида не-не ҳалол, довюрак, мард, элпарвар ва миллатпарвар кишиларни таъқибга олиш, қувғин қилиш, бадном этиш юзасидан кўплаб қатағон ишларни амалга оширдилар. Улар бу мақсад йўлида кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган усулу йўлларни, турфа хил воситаларни ишга солдилар. Дўқпўписа, қўрқитиш, товламачилик, туҳмату бўҳтон, бегуноҳ юзларга аямай қора чалпиш уларнинг синалган усуллари эди.

ЎЗ сўзидан қайтмайдиган, қайсар Жаҳонгир Уллиевни «қайириш» учун ҳам шундай йўл тутишди. Ҳе йўқ, бе йўқ, уни 1988 йилнинг 31 декабрь куни ишлаб ўтирган жойидан миршаблар қўлларини орқасига қайириб, олиб бориб, қамоққа ташлашди. Бир неча кун давомида оғир қийноқлар аралаш «тергов» бўлди: жамоа хўжалигида ўзи билан неча йилдан бери ёнма-ён ишлаб юрган ҳамкасби — партком котибини қасддан ўлдиришни уюштиришга жазм қилишдек оғир айбни унинг зиммасига «юкладилар». Жиноий иш иштирокчилари ва гувоҳлар сони ҳам кундан-кунга «орта борди».

Жаҳонгир Уллиев билан яна етти нафар «ёвуз ниятли жиноятчи» шу тариқа саккиз ярим ой мобайнида ҳибсда сақланди. Хоразм вилоят судининг жиноий ишлар бўйича судлов коллегияси бу ишни кўрар экан, «замона даъвати»га қулоқ солмади: келтирилган далилларга ишонмасдан, уни иккн маротаба қайта терговга юборди. Республика Олий Суди ишни яна бир бор кўриб чиқиш учун нисбатан холис томонга — Сирдарё вилоят судига топширди. Бу суд ҳайъати йиғилган ва текширилган барча далиллар, ҳолатларни изчил, чуқур ўрганиб чиқиб, юқорида тилга олинган ҳукмни эълон қилди: ҳибсга олинган кишилар айби тасдиқланмагани учун тўлатўкис оқланди. Олий Суд бу қарорни узилкесил тасдиқлади. Сирдарё вилоят суди ўз қарори билан, жумладан, Жаҳонгир Уллиевга етказилган моддий зарарни тўлаш, ундан тортиб олинган далилий ашёларни қайтариб бериш, мазкур иш туфайли бўшатилган лавозимига яна тиклаш хусусида ажрим чиқарди.

Жаҳонгир ака шуларни гапириб бўлиб, мийиғида кулиб қўяди. Унинг бу жилмайиши ҳам, ана шу гап-сўзларни яна бир бор хотирлаши ҳам нақадар мушкуллигини ич-ичимдан сезиб турибман. Ўз пайтида «оғалар» изни бўйича шошилинч равишда «фош этувчи» материаллар чоп этган айрим вилоят ва район рўзномалари энди ундан узр сўрашди. Бирорларига бундай мудҳиш айб қўйилганида дилига шубҳа, гумон оралаган баъзи оғайни, жўралар бугун хатоларини англашди.

Лекин мени чуқур ўйга соладиган бошқа нарса. Жаҳонгир акадек, унга ўхшаган моҳир ишбилармонлар, тадбиркор раҳбарлар йўлда ётмайди. Ўз пайтида уларнинг қадрига етмасдан, шаънларини ҳимоя қилмасдан қанчалик адашганимизни бугун кўриб турибмиз. Улар қатағонга учраганидан ҳеч ким, ҳатто ўша мустабид золимлар ҳам ҳеч қандай наф кўрмади. Иқтисодимиз, бошқа соҳаларнинг беш-ўн йил ичида нақадар ўпирилиб кетганининг сабабларидан бири ҳам мана шундан — масъул иш бошида турган дарғалардан кўпчилигининг қийратилганидан эмасмикан?!

Жаҳонгир Уллиев ҳозир Хоразм вилоятидаги мутасадди ташкилотлардан бирида масъул ишда. У яқиндагина эллик ёшини нишонлади. Куч-қувват, ғайрат-шижоат ҳали анча. Юракдаги олов сусайса-да, сўнмаган. Мустақилликни мустаҳкамлаш биринчи ўринга қўйилган ҳозирги даврда ана шундай чин маънода не-не чиғириқлар синовидан ўтган, ҳар қандай жамоани бемалол ўз орқасидан эргаштира биладиган тадбиркор ходимларнинг қадрига етиш лозимлиги, уларга юксак ишонч кўрсатиш зарурлиги ой билан кундай равшан бўлиб қолди.

Тўрабек ИСКАНДАРОВ,
Тошкент — Хоразм — Тошкент.

● Булунғур район биринчилиги учун футбол бўйича ҳал қилувчи учрашув ўтказилди. «Кильдон» ва «Мингчинор» давлат хўжаликларининг жамоалари ўзаро куч синашдилар. Учрашув кильдончилар фойдасига 3:0 ҳисобида ҳал бўлди.

Суратда: учрашувдан лавҳа.

Суратчи Т. ДАВЛАТОВ.

АХБОРОТ

ЯНГИ КОРХОНА

● Сирдарё вилоятининг Боёвут районидаги «Разъезд» қўрғонида янги консерва заводи битказилиб, ишга туширилди.

Бу хайрли ишни вилоят матлубот жамияти амалга оширди. Янги корхона йилига 1 миллион дона шартли банка маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Корхона директори Эргаш Умарқуловнинг таъкидлашича бу ердаги ускуналарнинг деярли ҳаммаси чет элдан келтирилди ва улар юксак иш унумига эга.

Келажакда корхонани янада кенгайтириш кўзда тутилаётир. Ҳозирги пишиқчилик пайтида Боёвутда бундай корхонанинг ишга туширилиши айни муддао бўлди.

А. ҲУМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚАНОТЛИ ҚЎРИҚЧИЛАР

● Пастдарғом районидаги хўжаликлараро биологик лаборатория ходимларининг саъй-ҳаракати билан далаларда фойдали ҳашаротлар кўпайиб қолди. Натижада кўп жойларда гербицид ва заҳарли дорилардан фойдаланиш бутунлай барҳам топмоқда.

— Тупроқни ишлаш, ҳосилдорликни ошириш, экинларни баравж ўстириш ва уларни зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоя қилишда бу усулнинг афзаллиги катта, — дейди лаборатория директори Ортиқ Пардаев. — Трихограмма, бракон, олтинкўз сингари ҳашаротларни қўллаш туфайли, биринчидан, хўжаликлар анча фойда кўраётган бўлса, иккинчидан, атроф-муҳит мусаффолиги ортмоқда.

Замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилган лаборатория хўжаликларни зарур миқдорда фойдали ҳашаротлар билан таъминлаш имкониятига эга.

ИШЧИ АЁЛЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

● Термиз хотин-қизлар комитети ҳозирги иқтисодий қийин шароитда аёлларни ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш мақсадида корхоналар маъмурнятлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Шаҳардаги тикувчилик фабрикаси, гўшт-сут комбинатида меҳнат қилаётган аёлларнинг иш вақти бир соат камайтирилди. Нахта тозалаш заводида эса иш соатини камайтиришдан ташқари 120 нафар хотин-қиз сут-қатиқ билан бепул таъминланмоқда, 60 аёл парҳез таом олмоқда. Завод қошидаги поликлиника, ошхона уларга намунали хизмат қилаётир. Ишчи аёллар болаларига оромгоҳлар учун текин йўлланма бериляпти. (ЎзА.)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

ОМАД ЁР БЎЛСИН!

Жамғарма банки

● 30 июль куни мустақил Ўзбекистон Республикаси ички заёмининг биринчи ютуқлар ўйини Самарқанд шаҳрида ўтказилади

Мустақил Ўзбекистон 30 июлда Самарқанд шаҳрида республиканинг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқлар заёмининг биринчи тиражини ўтказади.

ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ШОШИЛИНГ!

250000 сўмлик бош ютуқ сизга насиб этиши мумкин. Заём облигациялари Жамғарма банки, Агросаноат банки, Ўзбекистон саноат қурилиш банки муассасаларида эркин сотилмоқда ва сотиб олинмоқда.

12 фоизли заём облигациясини сотиб олиш билан сиз республика мустақиллигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

Сизни республика заёмининг биринчи тиражига бағишлаб Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган байрам тантаналарида иштирок этишга таклиф қиламиз.

ДАДИЛ БЎЛИНГ, ОМАД КУЛИБ БОҚАДИ

Самарқанд вилояти матлубот жамиятлари уюшмасига қарашли Пахтачи районидаги Султонобод савдо бирлашмасининг экспедитори Нурмуҳаммад Тўйданов номига шу йилнинг 11 июль куни Қибрай яхна ичимликлар комбинатига берилган 618-рақамли йўқолган

ИШОНЧ ҚОҒОЗИ

бекор қилинади.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, жамоа ташкилотлари, ўзбек ва қозоқ филологияси факультетининг жамоаси эски ўзбек тили ва ёзуви кафедрасининг профессори С. Аширбоевга отаси

Аширбой ЭРГАШ ўғлининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тилшунослик институти жамоаси институт хорижий тиллар кафедрасининг доценти М. М. Бўроновага отаси

Маҳмуд Воҳобович ҲАМИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Балиқчилик саноатига қарашли «Балиқчи» тажриба намуна ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси шу корхона раҳбари

Миржалол Камолович МИРЗАҲМЕДОВнинг

бевақт фожеали вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, маҳрумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг археология институти жамоаси ЎзФА вице-президенти И. И. Искандаровга онаси

Жамолой НОСИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Археология институти жамоаси институтнинг илмий котиби Ж. Мирзаахмедовга акаси

Жалолиддин МИРЗААҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент~ГСП, Ленинград кўчаси, 32.



БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар қаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-26, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи—64583.

Буюртма № Г—217.

№ 142

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди—22.20 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.